БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№94 (239) 2018 йил 30 ноябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИЯЛАРНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТГАН ҲОЛДА ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 29 ноябрь куни Хоразм вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбари Хоразмга ташрифлари чоғида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш, ижтимоий объектлар барпо этиш ва инфратузилмани яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берган эди.

Ўтган даврда ҳудудда кўплаб янги корхоналар, кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Йирик корхоналар, уй-жойлар, таълим муассасалари, ижтимоий-маданий объектлар қурилди. Яна кўплаб лойиҳалар бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Президентимиз вилоятга бу галги сафарини Шовот туманидан бошлади.

Давлатимиз раҳбари бундан икки йил муқаддам «Uztex» компаниялар гуруҳига Шовот туманининг чекка ҳудудида юқори технологик имкониятларга эга тўқимачилик корхонаси ташкил этиш ва маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берган эди.

Шу вақт ичида илгари мавжуд бўлган корхона негизида илғор технологиялар билан жиҳозланган, мингдан ортиқ иш ўрнига эга қўшма корхона ишга туширилди.

Қиймати 65 миллион доллар бўлган лойиҳанинг дастлабки босқичида Италиянинг «Лонати» компаниясида ишлаб чиқарилган 528 та, жорий йилда яна 512 та пайпоқ тўқиш дастгоҳи харид қилинди. Йилига 30 миллион долларлик 70 миллион жуфт пайпоқ тайёрлаш қувватига эга қўшма корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ инновацион технологиялар асосида бошқарилади.

Ўтган йили корхонада 5,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички бозорга йўналтирилди. Жорий йилдан тўла қувват билан ишлай бошлаган корхонада октябрь ойи ҳолатига кўра 12,5 миллион жуфт пайпоқ тўқилди. 3,85 миллион долларлик маҳсулот АҚШ, Россия, Молдова, Украина каби қатор мамлакатларга экспорт қилинди.

Давлатимиз раҳбари корхона қошида ташкил этилган логистика маркази, тўқув, қадоқлаш цехлари, лаборатория фаолияти билан танишди, ишчиларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Мазкур корхона технологик имкониятларига кўра дунёда саноқли, Марказий Осиёда ягонадир. Бу ерда айни кунда пайпоқ, сочиқ каби тўқимачилик маҳсулотларининг янги моделларини ўзлаштириш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Иқтисодиётимизга инвестиция киритиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича берган топшириқларимиз туфайли бугун тадбиркорлардан қўрқув йўқолди. Корхона очаман, иш ўрни яратаман, деганга ҳеч қандай тўсиқ йўқ, бизнес учун барча кафолатлар яратилган. Бундан хорижий ҳамкорлар ҳам манфаатдор бўлиб, экспортга ҳисса қўшмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда Хоразм вилоятида тўқимачилик саноатини ривожлантириш, «Dererlop Textile» МЧЖ томонидан «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида енгил саноат мажмуаси ташкил этиш, Шовот туманида аралаш ва пахта ип-калава ишлаб чиқариш бўйича янги йигирув фабрикаси қуриш, Урганч шаҳрида «Textile finanse Horezm» МЧЖ томонидан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Тошкент вилояти Паркент туманида Заркент санаторийсини барпо этиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари енгил саноат тармоғини жадал ривожлантириш, маҳсулот экспортини кенгайтириш, қўшимча даромад манбалари ва иш жойини кўпайтириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

«Katqal'a teks» қўшма корхонаси ҳудудида Хоразм вилоятини ривожлантиришга доир иқтисодий лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Малайзиянинг «Serba Dinamik Group» компанияси вице-президенти Палендран Палачандран давлатимиз раҳбарига «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида каустик сода ишлаб чиқариш заводи барпо этиш инвестиция лойиҳасини тақдим этди. Қиймати 250 миллион доллар бўлган лойиҳа 100 фоиз компания инвестицияси томонидан амалга оширилади. Корхона ишга тушгач, йилига 33 минг тонна каустик сода ва 30 минг тонна хлор ишлаб чиқарилади. 150 та иш ўрни яратиладиган корхона маҳсулотлари тўлиқ экспорт қилиниши режалаштирилган.

(Давоми 3-бетда)



## Кўргазмалар – янги имкониятлар майдони

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳаси ривожига кўрсатилаётган юксак эътибор туфайли бугунги кунда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозорни таъминлаш баробарида кўплаб хориж мамлакатлар харидорлари диққатини ҳам тортмоқда.

Бу борада юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро кўргазмаларнинг муҳим роли бор. Айни кунларда ҳам пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуи бир қатор ана шундай тадбирларга мезбонлик қилмоқда.

Аввало, жорий йилнинг 27 ноябрь куни иш бошлаган «Made in Uzbekistan» халқаро экспорт кўргазмаси ҳақида тўхталсак. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмага қизиқиш юқори бўлиб, унинг очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ва чет эллик ишбилармонлар қатнашди.

Мазкур кўргазма-ярмаркада «Artel Enginering and Management» МЧЖ, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзметкомбинат», «Ўзшаробсаноат», «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятлари, «Ўзтўқимачиликсаноат», «Ўзбекипаксаноат», «Ўзчармсаноат» уюшмалари, «Imzo-Akfa», «Sam-Ferre» каби 150 дан ортиқ йирик маҳаллий корхона иштирок этмоқда. Улар томонидан енгил саноат, фармацевтика, озиқ-овқат, чарм-пойабзал, қурилиш, халқ истеъмоли моллари, автомобилсозлик, кимё саноати, йўл-транспорт инфратузилмаси, электротехника, телекоммуникация ва ахборот технологиялари бўйича янги турдаги маҳсулотлар ва бошқа кўплаб хизматлар намойиш этилмоқда.

– «Made in Uzbekistan» халқаро экспорт кўргазмаси аввалгиларидан фарқ қилади, – дейди Ташқи савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Нодирбек Ҳошимов. – Илгари кўргазма фақат мамлакат миқёсида ўтказилган бўлса, бу сафар унда Европа, Марказий Осиё, Россия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Украина, Афғонистон, БАА ва бошқа давлатлардан 500 дан ортиқ хорижий корхона, юртимизнинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик бўйича ташкилотларининг вакиллари иштирок этмоқда. Улар маҳаллий саноат корхоналари маҳсулотлари билан танишиш, ишлаб чиқариш тармоқларига жорий этилган инновацион лойиҳалар ҳақида маълумот олиш имконига эга бўлишмоқда.

Кўргазма доирасида семинарлар, маҳсулотлар ва хизматлар намойиши ўтказилмоқда. Мавзуга доир конференция бўлиб ўтди.

– Мамлакатимизда ўтказилаётган бу каби кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келмоқдамиз, – дейди «Sam-Ferre» хусусий корхонаси менежери Сюзанна Киргизбаева. – Бу сафаргисида бошқа маҳсулотларимиз қаторида яқиндан бошлаб ишлаб чиқарилаётган турли сиғимдаги музлаткичларни янгилик сифатида тақдим этмоқдамиз. Чиройли ташқи дизайн ва бир қатор қўшимча қулайликларга эга мазкур маиший техникаларимизга қизиқиш катта бўлмоқда. Булардан ташқари, Dorsa савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган эшикларни ҳам намойиш этяпмиз. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2018» танловининг Самарқанд вилояти босқичида биринчиликни эгаллаган корхонамиз республика босқичида ҳам муносиб иштирок этиб, «Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

(Давоми 3-бетда)















«Uzbekistan Airways» АЖ шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК дирекциясининг, «Учиш мажмуаси», «Ҳаво алоқалари бош агентлиги» ва «Ўзавиатехтаъминот» моддий-техник таъминот мажмуаси» давлат унитар корхоналарининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш, шу жумладан, ҳаво кемалари паркини янгилаш, парвозларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, аэропортлар инфратузилмасини, ҳаво ҳаракатини бошқариш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, жаҳон авиаташувлари бозорида мамлакатимиз фуқаро авиациясининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва ушбу соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш учун мамлакатимизнинг фуқаро авиациясида таркибий ислоҳотларни амалга оширишни давом эттиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, ўзида ҳам давлат томонидан тартибга солиш функцияларини, ҳам тижорат фаолиятига оид функцияларни мужассамлаштирган бошқарувнинг эскирган ва ёпиқ тизими тармоқ корхоналарида менежментнинг замонавий тизимини жорий этиш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини таъминлаш имконини бермаяпти.

Фуқаро авиаташувларининг, шу жумладан, ер устидаги инфратузилмадан фойдаланишнинг ҳаддан ташқари монополлаштирилганлиги ушбу соҳада хизматлар кўрсатишнинг жаҳон даражасидан анча ортда қолиб кетишига, шунингдек, мамлакатдаги айрим аэропортларнинг норентабеллигига сабаб бўлди.

Фуқаро авиацияси соҳасидаги бошқарувнинг замонавий шакллари ва усулларини жадал жорий этиш, тармоқдаги корхоналарни жаҳон тенденциялари ва стандартларига мувофиқ қайта тузиш, авиаташувлар бозорида рақобатни ривожлантириш ва тармоққа инвестицияларни фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг **«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясини** (кейинги ўринларда – «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК) **қайта ташкил этиш тўғрисидаги** таклифига розилик берилсин. Бу:

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК дирекциясининг, шунингдек, «Учиш мажмуаси», «Ҳаво алоқалари бош агентлиги» ва «Ўзавиатехтаъминот» моддий-техник таъминот мажмуаси» давлат унитар корхоналарининг негизида **«Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятини** (кейинги ўринларда – «Uzbekistan Airways» АЖ) **ташкил этиш**;

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК таркибига кирадиган **давлат унитар корхоналарини** 1-иловага мувофиқ масъулияти чекланган жамиятларга **айлантириш**;

**«Uzbekistan Airports» акциядорлик жамиятини** (кейинги ўринларда – «Uzbekistan Airports» АЖ) 2-иловага мувофиқ унга хўжалик жамиятларининг устав жамғармаларидаги давлат улушини ўтказиш йўли билан **ташкил этиш**;

«Махсус авиация ишлари авиакомпанияси» ДУК негизида **«Uzbekistan Helicopters» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш**;

**«Ўзаэронавигация» маркази» давлат корхонасини** (кейинги ўринларда – «Ўзаэронавигация» ДК) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрига **ўтказиш** орқали амалга оширилади.

2. Қуйидагилар:

а) **«Uzbekistan Airways» АЖнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

шу жумладан, парвозларнинг янги йўналишларини ўзлаштирган ва географиясини кенгайтирган ҳолда ҳаво кемалари паркидан самарали фойдаланиш;

ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришнинг замонавий тизимлари ва технологияларини жорий этиш, шунингдек, авиапаркни модернизациялаш, технологик қайта жиҳозлаш ва янгилаш;

ҳаво кемалари бортида йўловчиларга кўрсатиладиган сервис хизматлари, шу жумладан, хорижий авиакомпанияларнинг авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ишлари сифатини ошириш;

компаниянинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида йўловчилар, юклар, почта ва багаж ташиш соҳасида мослашувчан тариф сиёсатини олиб бориш;

энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, шу жумладан, акциялар ва корпоратив облигациялар чиқариш орқали жалб қилиш;

парвозларни амалга оширишда юқори даражадаги хавфсизликни, шунингдек, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш;

авиакомпанияни халқаро авиаташувчилар ҳамжамиятига интеграциялаш, авиаташувлар соҳасида минтақавий етакчи даражасига эришиш.

б) **«Uzbekistan Airports» АЖнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:**

аэропортларни узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аэропортлар инфратузилмасини такомиллаштириш учун, шу жумладан, аэропортларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик ва етакчи халқаро компаниялар билан ҳамкорлик қилиш механизмларидан фойдаланган ҳолда инвестициялар жалб қилиш;

авиаташувчилар йўловчиларига аэропортларда юқори даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш, улар учун зарур барча қулай шарт-шароитларни яратиш;

аэропортлар тегишли хизматларининг самарали фаолиятини таъминлаш, йўловчилар, юклар, почта ва багажга хизмат кўрсатиш жараёнини мақбуллаштириш;

аэродромларни парвозларга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, парвозларнинг мунтазамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш, аэродромларни сақлаш ва таъмирлашнинг замонавий усулларини жорий этиш;

ҳаво кемаларига ёқилғи қуйиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланиладиган ёқилғи ва бошқа ёқилғи-мойлаш материалларини узлуксиз таъминлаш, шунингдек, уларнинг сифатини қатъий назорат қилиш;

логистика соҳасида сифатли хизмат кўрсатиш учун инфратузилмани такомиллаштириш ва қулай шарт-шароитлар яратиш;

аэропортларда савдо, овқатланиш, йўловчиларга банк ва бошқа хизматлар кўрсатувчи замонавий объектлар тармоғини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кенгайтириш.

3. «Uzbekistan Airways» АЖ Жаҳон банки гуруҳини ва бошқа халқаро маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда, **активларнинг авиакомпания рентабеллигини таъминловчи мақбул тузилмасини ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятининг барқарор бизнес-модели ишлаб чиқилишини** таъминласин.

4. Белгилансинки:

«Uzbekistan Airways» АЖ шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК дирекциясининг, «Учиш мажмуаси», «Ҳаво алоқалари бош агентлиги» ва «Ўзавиатехтаъминот» моддий-техник таъминот мажмуаси» давлат унитар корхоналарининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича тегишли равишда қайта тузиладиган давлат корхоналарининг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

«Ўзаэронавигация» ДК шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг аэронавигация масалалари қисмида ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

«Uzbekistan Airways» АЖ устав капитали қайта тузиладиган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК дирекциясининг, «Учиш мажмуаси», «Ҳаво алоқалари бош агентлиги» ва «Ўзавиатехтаъминот» моддий-техник таъминот мажмуаси» давлат унитар корхоналарининг мол-мулкини қолдиқ қиймати бўйича ўтказиш, шунингдек, ташкил этиладиган «Uzbekistan Helicopters», «Uzbekistan Air technics», «Ўқув-машғулот маркази» ва «Кетринг» масъулияти чекланган жамиятларидаги давлат улушини номинал қиймат бўйича ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

«Uzbekistan Airports» АЖ устав капитали ушбу Фармоннинг 2-иловасида кўрсатилган корхоналарнинг устав капиталидаги номинал қиймат бўйича ўтказиб бериладиган давлат улушлари ҳисобига шакллантирилади;

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва қайта ташкил этиладиган давлат унитар корхоналарининг қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган мол-мулки қайта ташкил этиладиган ва янги ташкил этиладиган корхоналарга тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул фойдаланиш учун ўтказиб берилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти тузилмасида 7 та штат бирлигидан иборат таркибда авиация тармоғини ислоҳ қилиш масалалари бўйича сектор тузилсин, унинг зиммасига қуйидагиларни ўз ичига олган **Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқишни** мувофиқлаштириш вазифалари юклансин:

маҳаллий ва хорижий ташувчиларнинг миллий ҳаво қатновлари бозорига кириш қоидалари;

аэропортлар инфратузилмасини ва аэронавигацион хизмат кўрсатишни ривожлантириш дастури;

давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарур бўлган субсидияланадиган авиайўналишларни танлаш сиёсати;

аэропортлар хизматларини кўрсатишда хусусий сектор иштироки ва рақобат муҳитини таъминлашга доир механизмлар;

аэропортларнинг авиация ва ноавиация хизматлари нархларини тартибга солиш;

фуқаро авиацияси соҳасида истеъмолчилар ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари;

халқаро авиация ташувлари соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларнинг шартлари бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари.

6. **«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКни қайта ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширишни мувофиқлаштириш ва амалий кўмаклашиш бўйича ишчи комиссия** (кейинги ўринларда – Ишчи комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи комиссия (А. Н. Арипов):

а) **икки ҳафта муддатда** «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва унинг таркибига кирадиган давлат корхоналарини қайта ташкил этиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқласин, унда ҳар бир тадбир ўтказиладиган аниқ муддатларни ва масъул шахсларни кўрсатсин;

б) **2019 йил 15 январгача бўлган муддатда** транспорт тармоғини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солишга оид барча комплекс масалалар учун жавоб берадиган Транспорт вазирлигини ташкил этиш юзасидан таклиф киритсин;

в) **2019 йил 1 майгача бўлган муддатда** «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналарнинг:

қайта ташкил этиладиган ва янги ташкил этиладиган корхоналар устав капиталига (жамғармасига) ўтказиладиган;

қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган ҳамда қайта ташкил этиладиган ва янги ташкил этиладиган корхоналарга тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул фойдаланиш учун ўтказиладиган мол-мулки рўйхатини тасдиқласин;

г) **2019 йил 1 июнгача бўлган муддатда** қўшимча компанияларнинг, шу жумладан, **кам бюджетли авиакомпаниялар (лоукостерлар) ва тижорат авиацияси хизматларини кўрсатадиган корхоналар** фаолияти учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар кўрсин.

7. Қуйидагилар зиммасига:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига – «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКни қайта ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, шунингдек, ушбу Фармонда назарда тутилган вазифалар сўзсиз бажарилишини мувофиқлаштириш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов зиммасига – авиаташувлар бозорини босқичма-босқич эркинлаштириш чора-тадбирларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини бошқаришнинг янги тармоқ сиёсатини ишлаб чиқиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Р. Холмурадов зиммасига – салоҳиятли инвесторларни излаш ва авиация транспорти соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Кўчқоров зиммасига – давлат-хусусий шериклик шартлари асосида авиация транспорти соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК билан биргаликда Ишчи комиссия томонидан ушбу Фармоннинг 6-бандида кўрсатилган рўйхатлар тасдиқланганидан кейин олти ой муддатда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, уларнинг устав капиталларини шакллантириш бўйича ишлар охирига етказилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасида **Авиация транспортини ислоҳ қилиш ва мазкур соҳага инвестицияларни жалб қилишга доир узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга кўмаклашиш тўғрисида битим** тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 майгача бўлган муддатда Жаҳон банки гуруҳи томонидан ўтказилган ишлар якунлари бўйича **2019-2030 йилларда авиация транспорти соҳасини ислоҳ қилиш ва аэропортларни ривожлантиришга хусусий, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича «Йўл харитаси»ни** тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва «Uzbekistan Airports» АЖ Жаҳон банки гуруҳини жалб қилган ҳолда:

2019 йил 1 апрелгача бўлган муддатда **давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳалар амалга ошириладиган аэропорт ёки аэропортлар гуруҳи** аниқланишини;

2020 йил 1 январгача бўлган муддатда танланган аэропорт ёки аэропортлар гуруҳида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун танловлар ўтказилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясига (кейинги ўринларда – Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси):

ҳаво кемалари эксплуатантларига бир марталик парвозларни амалга ошириш;

аэродром атрофидаги парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномалар беришга оид ваколатларни ўтказиш;

б) Ишчи комиссия томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ, «Махсус авиация ишлари авиакомпанияси» ДУК томонидан фойдаланилаётган АН-2 ҳаво кемаларини ва тегишли авиация мулкини қолдиқ қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига ўтказиш;

в) «Ўзаэронавигация» давлат корхонасига Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан транзит фойдаланишда кўрсатилган аэронавигация хизматлари учун хорижий авиакомпанияларнинг кечиктирилган дебитор қарздорлигини аэронавигация хизматлари кўрсатилгани тасдиқланган вақтдан бошлаб 12 ой давомида ундириш ҳуқуқини бериш.

12. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган штатлари сони 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур Фармонга мувофиқ тузиладиган **хўжалик жамиятлари** (кейинги ўринларда – хўжалик жамиятлари) **ижро этувчи органларининг аъзолари етакчи авиакомпанияларда катта тажрибага ҳамда корпоратив бошқарув, менежмент ва молия соҳасида зарур малакага эга бўлган мутахассислар, шу жумладан, хорижий фуқаролар орасидан танлаб олинади**;

мазкур Фармонга мувофиқ ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари устав капиталларидаги давлат акциялари пакети бўйича акциядорнинг ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси амалга оширади;

мазкур Фармонга мувофиқ ўтказиладиган ва қабул қилинадиган мол-мулкнинг қиймати солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган объект ҳисобланмайди;

2020 йилдан бошлаб хўжалик жамиятларининг молиявий ҳисоботи халқаро стандартлар асосида шакллантирилади, етакчи халқаро аудиторлик ташкилотларини жалб қилган ҳолда йиллик мустақил ташқи аудитдан ўтказилиши лозим.

14. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс ташкил этмасдан **Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ривожлантириш жамғармасини** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки:

а) Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ пулли хизматлар кўрсатишдан, шу жумладан, аэродром атрофидаги парвозлар хавфсизлигига хавф солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишга рухсатномалар беришдан тушадиган маблағлар суммасининг 100 фоизи;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимлари томонидан солинадиган жарималар суммасининг 80 фоизи;

«Ўзаэронавигация» ДК соф фойдасининг 5 фоизи;

авиация хавфсизлиги учун ундириладиган йиғимлар суммасининг 3 фоизи;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва кредитлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

б) Жамғарманинг маблағларидан фақат:

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини моддий-техник таъминлаш, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ўқитиш ва малакасини ошириш;

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар делегацияларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2019 йил 1 майгача бўлган муддатда хорижий кредитлар (қарзлар) бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК дирекциясининг пулли мажбуриятлари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг аввал тақдим этилган давлат кафолатларини қайта расмийлаштирсин;

2019 йил 1 июнгача бўлган муддатда аэропортларни ривожлантириш ҳамда ҳаводаги ҳаракатни бошқариш учун аввал жалб қилинган кредитларни «Uzbekistan Airports» ва «Ўзаэронавигация» ДКга қайта расмийлаштирсин;

2019 йил 1 майгача бўлган муддатда чегирмаларнинг мослашувчан тизимини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияларига аэронавигация ва аэропорт хизматларини кўрсатиш учун ягона ставкалар ҳамда йиғимларни тасдиқласин;

2019 йил 1 мартгача бўлган муддатда рентабеллиги паст ички йўналишлар бўйича ташувларни амалга оширувчи авиакомпаниялар учун зарарлар ўрнини қоплашни молиялаштиришнинг барқарор механизмини шакллантиришга оид таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси Адлия вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

сиртқи таълим олган фуқаро авиацияси мутахассисларининг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилишга рухсат бериш;

илғор хорижий тажрибани ўрганиш, шу жумладан, ишлаб чиқарувчилар сертификатларини тан олишни ҳисобга олган ҳолда ҳаво кемалари ва авиадвигателларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун олиб кириладиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, деталларни сертификатлаш тартибини соддалаштириш бўйича таклифлар киритсин.

17. Қуйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияларига Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси тизими (IATA Clearing House) ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг бошқа халқаро тизимлари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишга;

б) «Ўзаэронавигация» давлат корхонасига Европа аэронавигация хавфсизлигини таъминлаш ташкилоти (EUROCONTROL) орқали хорижий авиакомпанияларнинг Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан транзит фойдаланишда кўрсатилган аэронавигация хизматлари учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга рухсат берилсин.

18. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналарга берилган имтиёзлар ва преференциялар мазкур Фармонга мувофиқ тузиладиган хўжалик жамиятларига татбиқ этилсин.

19. Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпаниялари белгиланган тартибда тузиладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган:

самолётлар (ТИФ ТН бўйича коди: 8802, 8803 ва 8805), шу жумладан, олиб кирилган вақтда ишлаб чиқарилганига 10 йилдан ошмаган самолётлар;

жаҳон брендларининг йўловчиларга хизмат кўрсатиш учунгина фойдаланиладиган сервис инвентари ва алкоголь ичимликлари учун 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда божхона тўловлари тўлашдан озод этилсин (божхона расмийлаштируви учун ундириладиган тўловлар бундан мустасно).

20. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

қайта ташкил этиладиган ва тузиладиган корхоналарнинг автотранспорт воситалари;

қайта ташкил этиладиган ва тузиладиган корхоналарнинг кўчмас мулкига оид кадастр ҳужжатлари;

қайта ташкил этиладиган корхоналарнинг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат томонидан рўйхатга олинишини йиғимлар ва божлар ундирмасдан таъминласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) икки ой муддатда:

ҳаво кемалари эксплуатантларига бир марталик парвозлар учун рухсатномалар бериш;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ривожлантириш жамғармасининг маблағларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ходимларини уч баравар тариф коэффициентини жорий этишни назарда тутувчи моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқласин;

б) уч ой муддатда:

корпоратив бошқарув ва фуқаро авиацияси соҳасидаги мустақил, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, «Uzbekistan Airways» АЖ ва «Uzbekistan Airports» АЖ ижро этувчи органлари ташкилий тузилмаларининг, шунингдек, кузатувчилар кенгашлари таркибларининг тасдиқланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига фуқаро авиацияси соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ функцияларни давлат органларига ўтказишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

22. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 27 ноябрь



Жорий йилнинг 28-30 ноябрь кунлари «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуининг биринчи павильонида VI халқаро ихтисослаштирилган қурилиш ва мебель саноати «BuildExpoUzbekistan – 2018» кўргазмаси бўлиб ўтди.



# ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИЯЛАРНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТГАН ҲОЛДА ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистоннинг Малайзия, Саудия Арабистони, Туркманистондаги элчихоналари томонидан вилоятга хорижий инвестиция лойиҳалари олиб келинмоқда. Хусусан, Малайзиядаги элчихона томонидан каустик сода ишлаб чиқариш лойиҳасидан ташқари қандолат маҳсулотлари, тиббий косметология хизматлари кўрсатиш эстетик марказини очиш, тайёр тўқимачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш, Саудия Арабистонидаги элчихона томонидан Хива шаҳридаги Оллоқулихон ва Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасаларини қайта таъмирлаб, уларда меҳмонхоналар ташкил этиш, «Обод қишлоқ» дастури доирасида Хоразм вилоятига Ислом тараққиёт банкининг 100 миллион долларлик имтиёзли кредитини жалб этиш, Туркманистондаги элчихона томонидан воҳага сайёҳлар оқимини кўпайтириш юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Тақдимот чоғида Президентимиз мазкур лойиҳаларнинг аҳамиятига эътибор қаратди. Ҳудудга жалб этиладиган хорижий инвестицияларни кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Урганч – Хива поездида Хива шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил январь ойида Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Урганчдан Хивагача темир йўл ва Хива шаҳрида замонавий вокзал барпо этиш, бу йўлда электропоездлар, келгусида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» тезюрар поезди қатновини йўлга қўйиш лозимлигини қайд этган эди. Қисқа фурсатда бу эзгу ташаббус амалга оширилди.

Вокзал биноси Хоразм меъморчилиги намуналарини ўзида акс эттириб, унда замонавий VIP зал, она ва бола, тиббиёт хоналари мавжуд. Вокзалда 35 ишчи бир вақтнинг ўзида 200 йўловчига хизмат кўрсатади. 20 ўринли меҳмонхона юртдошларимиз ва туристларга қўшимча қулайлик яратади.

Вокзалдан «Ичан қалъа» музей-қўриқхона мажмуасигача бўлган масофа 2 километр. Бу шаҳарда туризмни янада ривожлантириш, сайёҳларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Урганч – Хива темир йўл йўналиши ва Хива вокзали расман очилди. Келгусида Хивагача «Afrosiyob» тезюрар поезди қатновини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Президентимиз вокзал инфратузилмасини янада яхшилаш, йўловчиларга халқаро стандартлар асосида хизмат кўрсатиш, сайёҳларга янада қулайликлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Хива темир йўл вокзали билан «Ичан-қалъа» мажмуаси ўртасида барпо этилаётган хиёбонни кўздан кечирди. Бу ҳам давлатимиз раҳбарининг аввалги ташрифлари чоғида берилган топшириқ ижроси бўлиб, Хивага янгича қиёфа бағишлади.

Хиёбоннинг икки тарафида икки қаватли туризм объектлари қурилган. Уларнинг биринчи қаватида ҳунармандлик устахоналари, савдо ва маиший хизмат дўконлари, иккинчи қаватида оилавий меҳмонхоналар, ресторанлар ташкил этилган. Бу хиёбон ва шохобчалар сайёҳларга қўшимча қулайлик яратиш билан бирга, одамлар учун иш ўрни, даромад манбаи ҳам бўлади.

Президентимиз шу ерда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш, Хива шаҳрининг тарихий қисмини батафсил режалаштиришга оид лойиҳалар билан танишди. Уларда мамлакатимизда халқаро бренддаги меҳмонхоналар бунёд этиш, савдо ва сервисни кенгайтиришга қаратилган режалар тақдим этилди.

Шавкат Мирзиёев хорижлик ишбилармонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг инвестиция таклифлари бўйича кўрсатмалар берди.

Бизнес нима дегани? Манфаат дегани. Ўзбекистонда туризм жуда манфаатли, истиқболли соҳа. Шунинг учун бу соҳага тадбиркорларни, инвесторларни кўпроқ жалб этиб, уларга «яшил йўлак» қилиб бериш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Хива яқинида кўп қаватли уйлар қуриб, шаҳарнинг тарихий қисмида яшаётган аҳолини босқичма-босқич кўчириш, қалъа ичидаги уйларни сайёҳлик объектларига айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Биз чет эллик сайёҳларни қадимий тарихимиз ва қадриятларимиз билан жалб қилишимиз мумкин. Лекин Хоразмнинг, Хиванинг тарихи тўлиқ ўрганилмаган, уни таништириш бўйича тизим ҳам йўқ. Шунинг учун Хоразм тарихини энг қадимги даврдан бошлаб ўрганиб, одамларга содда тилда тушунтириш керак. Хивага келган одам катта таассурот, билим олиб кетсин, бу ерда кўпроқ қолиб вақтини мазмунли ўтказсин, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Фанлар академияси, Хоразм Маъмун академияси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа тегишли ташкилотларга шу бўйича топшириқлар берилди.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ишлаб чиқариш ва илм-фан интеграцияси асосида мамлакатимиз пиллачилик соҳаси учун мутлақо янги ишлаб чиқариш йўналишларига асос солмоқда. Бу борада дастлабки ютуқларга эришилди. «Khiva Silk Fabric» корхонасида амалга оширилаётган йирик лойиҳа улардан бири.

Президентимизнинг пиллачиликни янада ривожлантириш борасидаги ташаббуси асосида ташкил этилган мазкур корхона жойлашган бино 1976 йилда қурилган, кейинги 15 йил мобайнида бўш турган эди. Ташландиқ бинода иш бошлаган корхонада инновацион ғоялар, креатив ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳанинг биринчи босқичи жорий йил август ойида ишга туширилди. Кластер усулида йилига 140 тоннадан зиёд қуруқ пиллани қайта ишлаш қувватига эга корхонада 110 доимий иш ўрни яратилди.

Амалга оширилган диверсификация ишлари натижасида қиймати 1,1 миллион долларга тенг экспорт шартномалари имзоланди. Улар асосида Хитой ва Покистонга ипак маҳсулотлари етказиб бериш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари корхонада амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар билан танишди, ишлаб чиқарилиши кутилаётган янги маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

2019 йилдан ипак толасидан мато ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, ғумбакдан лаборатория усулида ёғ олиш йўлга қўйилади. Ипакни олгандан кейин пилла ичида қоладиган ғумбакка шу кунгача чиқинди сифатида қаралган. Оқсилга жуда бой ғумбакдан косметологияда ишлатиладиган қимматбаҳо ёғ олинади. Хитойда бу ёғнинг 1 литри 40-50 доллар туради.

Корхонада хитин ва хитозан моддалари, биологик фаол қўшимчалар, ғумбак консерваси, тут баргидан чой ва ширинликлар ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган.

Хитин ва хитозан моддаси ўсимлик уруғи чиришининг олдини олади, тез ривожланишига ёрдам қилади. Ҳозирча бу маҳсулотлар мамлакатимизга чет элдан олиб келинмоқда. Эътиборлиси, тут баргидан ширинликлар ишлаб чиқариш илк бор йўлга қўйилмоқда.

Корхонада ипак олиш учун ишлатиладиган сув чўкмасидан совун олиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Пиллани ивитиш давомида унинг таркибидаги 18 хил аминокислота, цирицин ва фебриин каби моддалар сувга ўтади. Шу вақтгача бу сув оқизиб юборилган. Намуна шаклидаги совунлар хушбўйлиги, шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Шу ерда хитойлик ҳамкорлар билан ипак уруғи ишлаб чиқариш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, қовуннинг ҳосилдор ва экспортбоп навларини яратиш, асосий ва такрорий экинда шоли етиштириш, Хоразм шароитида ердан унумли фойдаланиш каби қатор истиқболли лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Улуғбек АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

Нукус шаҳридаги 5-мактабгача таълим муассаси шу йил «Обод маҳалла» Давлат дастури асосида қайта таъмирланди.



## Боғча янги қиёфада

Умумий қиймати 597 миллион сўмлик қурилиш ишлари «Гранд капитал Нукус» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилди.

Муассаса томи, иссиқлик ва ичимлик суви линияларини янгилаш, ички ва ташқи пардозлаш ҳамда атрофни ободонлаштириш ишлари бажарилди. Янги жиҳозлар билан таъминланди.

– Давлатимиз томонидан мактабгача таълим соҳасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, муассасамиз қисқа фурсатда қайта таъмирланиб, замонавий ва кўркам масканга айланди. Албатта, бундан ота-оналар ҳам жуда мамнун, – дейди боғча психологи Муҳаббат Инаева.

Айни пайтда бу ерда 152 нафар бола тарбияланмоқда.

**Суратда:** Нукус шаҳридаги 5-мактабгача таълим муассасасида.

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

## Запланировано построить свыше 300 малых гостиниц и хостелов

По инициативе Президента Республики Узбекистан принято правительственное решение, нацеленное на начало активного строительства малых гостиниц и хостелов по типовым проектам вместимостью 8-50 номеров. В общей сложности запланировано построить 345 таких средств размещения в 41 городе и районе республики. Об этом сообщил заместитель премьер-министра Азиз Абдухакимов.

– За девять месяцев 2018 года республику посетили 4,4 млн человек, что в два раза больше, чем, за аналогичный период 2017 года. Этому способствовало установление безвизового режима с 17 странами, внедрения упрощенного порядка оформления визы для граждан 50 государства и активная пропаганда туристического потенциала республики. Кроме того, в стране активно развивается внутренний туризм. Так, если в 2017 года число местных туристов составило 10,6 млн человек, то в 2018 году прогнозируется рост до 14 млн человек. При этом мы и в дальнейшем ожидаем увеличение числа путешествующих, – констатировал заместитель премьер-министра А. Абдухакимов. – Строительство новых маломестных гостиниц и хостелов помогут создать комфортные условия для размещения путешествующих. К тому же, это будет способствовать расширению спектра туристических услуг, диверсификации и развитию гостиничных услуг.

Он подчеркнул, что малые гостиницы в экономическом плане менее зависимы от изменения конъюнктуры рынка гостиничных услуг и имеют возможность быстрой ценовой переориентации.

В странах с высоким уровнем развития туризма доля малых гостиниц занимает значительную часть сегмента номерного фонда (в Западной Европе – 60 %, Малайзии – 70%, Новой Зеландии – 80 %). В ЕС неуклонно растет количество малых отелей с номерным фондом до 50 комнат и в данное время составляет 200 тыс. В Турции в период туристического бума в конце 90-х и начале 2000-х гг. для решения проблемы нехватки средств размещения туристов предприняты аналогичные меры по строительству гостиниц малого и среднего класса. Сегодня там функционируют более 2 тыс. подобных гостиниц с номерным фондом 30-50 мест.

Гостиницы будут строить при содействии Государственного комитета по развитию туризма, а проекты разработает – ООО «Кишлоккурилишлойиха» с учетом положительного зарубежного опыта проектирования, в том числе в первую очередь Турции и Кореи.

Типовые проекты малых гостиниц и хостелов будут предоставляться инвесторам – предпринимателям на безвозмездной основе.

Совет Министров Республики Каракалпакстан и хокимияты областей будут обязаны ежемесячно выставлять на электронной торговой площадке «E-IJRO AUKSION» не менее 5 «привлекательных» земельных участков, отведенных для строительства малых гостиниц и хостелов по типовым проектам. При этом общий срок проведения электронного аукциона в порядке исключения не может превышать 10 дней, включая все процедуры, осуществляемые на электронной торговой площадке «E-IJRO AUKSION».

Для решения организационно-технических вопросов, связанных с предоставлением земельных участков, реализацией инвестиционных проектов по строительству малых гостиниц и хостелов по типовым проектам, а также оперативного принятия мер по недопущению фактов бюрократизма создана правительственная комиссия с региональными подкомиссиями по главе Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимов областей и города Ташкента.

Государственный комитет по развитию туризма в поддержку предпринимателей, открывших новые гостиницы, реализует план маркетинговых действий по обеспечению их загруженности. План будет предусматривать комплекс мер по развитию их деятельности, в том числе с внедрением эффективных систем бронирования, продвижения оказываемых услуг и обучения персонала. Планируется организация пресс-туров для популяризации городов и районов, в которых будут строиться гостиницы.

**Наш корр.**

# Кўргазмалар – янги имкониятлар майдони

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Кўргазмада мамлакатимиз қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи кўплаб корхоналар ҳам иштирок этмоқда. Улар томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати, нархи ва бошқа устунликлари билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

– Маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир. Хусусан, АҚШ, Канада, Европа ва МДҲ давлатларига экспорт қиляпмиз, – дейди «Imzo-Akfa» корхонаси менежери Шерзод Арипов. – Айни пайтда маҳаллий ташкилотлардан ҳамкорлик бўйича кўплаб таклифлар тушмоқда. Шунингдек, чет эллик ишбилармонлар томонидан ҳам маҳсулотимизга катта қизиқиш билдирилмоқда.

– Корхонамиз 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида юртимизнинг барча ҳудудларидаги қурилиш объектларига ўзининг маҳсулотларини етказиб бермоқда, – дейди «BINOKOR TEMIR-BETON SERVIS» қўшма корхонаси менежери Шоҳруҳ Умаров. – Корхонамизда 1 200 нафар киши доимий иш ўрни билан таъминланган. Барчага маълумки, сўнгги йилларда юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида уй-жой қурилиши кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, шаҳар жойларда кўп қаватли уйлар қурилишига эътибор катта. Шу маънода, корхонамиз таркибида «DSK BINOKOR» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси панель типидаги уй-жойлар қурилишига тайёр бетон ва плита маҳсулотлари етказиб беришдан иборат. Бу каби уйлар синов-тажриба сифатида пойтахтимизнинг Олмазор туманида қурилди ва 9 қаватли мазкур турар жой қурилишига зарур материаллар ана шу жамият томонидан етказиб берилди. Шуни ҳам айтиш ўринлики, мазкур жамиятнинг ташкил этилиши 500 нафар ёшларнинг доимий иш ўрни билан банд бўлишига замин яратди. Булардан ташқари, Тошкент шаҳридаги White city турар жой мажмуаси учун ҳам бетон, плита, лоток ва бошқа бетон маҳсулотлари етказиб бермоқдамиз.

Жорий йилнинг 28-30 ноябрь кунлари «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуининг биринчи павильонида VI халқаро ихтисослаштирилган қурилиш ва мебель саноати «BuildExpoUzbekistan – 2018» кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

«EXPO POSITION» МЧЖ томонидан «Ўзқурилишматериаллари» АЖ ва Ўзбекистон мебель саноати корхоналари уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмада қурилиш саноатининг сўнгги ютуқлари намоён бўлди.



Кўргазманинг очилишида Ўзбекистонда сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи янги корхоналар ташкил этишни рағбатлантирувчи қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани алоҳида таъкидланди. Бу хорижий шериклар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, товарлар таннархини пасайтиришга имкон берадиган замонавий технологияларни кенг жорий этишга ёрдам беради.

– Корхонамиз 2007 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди «Rezalit Kolor» МЧЖ раҳбари Авазбек Каримов. – Бугунги кунда юртимиз қурилиш бозорига 40 турдаги бўёқ ва 10 турдан ортиқ қуруқ қурилиш қоришмаларини етказиб беряпмиз. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифати яхши, нархи эса бошқа рақобатчиларга нисбатан арзон экани боис сотув миқдори тобора ортиб бормоқда. Бундан ташқари, давлат буюртмаларига биноан қурилиш объектларига



Кўргазмада мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан ташқари Беларусь, Ҳиндистон, Хитой, Корея, Польша, БАА, Россия, Туркия, Украина, Озарбайжон давлатларининг 50 дан ортиқ компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқдалар. Қурилиш ва қурилиш материаллари, дераза ва эшиклар, мебель ва мебель матолари йўналишлари бўйича бўлиб ўтаётган мазкур халқаро тадбирнинг асосий мақсади ишлаб чиқариш соҳасидаги сўнгги ютуқларни намойиш этиш, шунингдек, тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни ривожланишига туртки беришдан иборат.

ҳам маҳсулотлар етказиб берамиз. Сергели туманида бунёд этилган кўп қаватли турар жойларда ҳам биз ишлаб чиқараётган бўёқ ва қуруқ қоришмалардан кўплаб фойдаланилди. Ҳозирда корхонамизда 50 нафар киши доимий иш ўрни билан таъминланган.

– Юртимизда амалга оширилаётган қурилишлар кўламининг ортиши, айниқса, «Tashkent city» ва бошқа кўплаб замонавий бизнес мажмуаларининг бунёд этилаётгани маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун катта имкониятлар тақдим этмоқда, – дейди Тошкент шаҳридаги «TOSHAFUS» Ўзбекистон-Корея қўшма




корхонаси раҳбарининг ўринбосари Муҳиддин Ниязметов. – 2008 йилда ўз фаолиятини бошлаган корхонамиз аввал автомобиллар учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарар эди. 2013 йилдан бошлаб эса, лифт ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирда 100 килограммдан 5 000 килограммгача, тезлиги сониясига 4 метргача ва 65 қаватгача бўлган иморатлар учун турли ўлчамдаги лифтлар ишлаб чиқаряпмиз. Корхонамизнинг бир йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1 200 тани ташкил этади. Ҳозирда давлат буюртмаси асосида ҳамда кўплаб ҳамкор қурилиш корхоналари талабларига мувофиқ маҳсулот етказиб бермоқдамиз. Шу кунга қадар республикамиз бўйича 1 200 та лифт ўрнатиб бердик. Корхонамизда маҳаллийлаштириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилиб, ҳозирда ушбу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. 150 нафар киши иш билан таъминланган корхонамизда кадрлар малакасини ошириб боришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Жумладан, ҳар 3 ойда кореялик мутахассислар келиб, заводимиз ишчиларига ўз тажрибаларини ўргатиб кетадилар.

– Бу каби кўргазмаларда мунтазам иштирок этамиз, – дейди «Jihoz ventilyasiya» корхонаси бош мутахассиси Шавкат Саламуллаев. – Бу биз учун тажриба орттириш, стратегияларимизни ўзгартириш каби масалаларда кўп асқотади. Мана масалан, яқиндагина бўлиб ўтган аграр соҳа бўйича кўргазмада кўп нарсаларни ўргандик. Шунга кўра, эндиликда иссиқхоналар учун мўлжалланган жиҳозлар ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқчимиз. Бугунги кўргазма ҳам маҳсулотларимизга қизиқиш катта эканини кўрсатмоқда.

Кўргазмада кўплаб маҳаллий корхоналарга ишлаб чиқараётган маҳсулотларини экспорт қилиш борасида янги таклифлар бўлаётгани алоҳида эътирофга сазовордир. Шундан қувониш мумкинки, эндиликда четдан келтириладиган кўплаб ускуна ва жиҳозлар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу каби халқаро кўргазмалар эса ана шу маҳсулотларимизга янги бозорларни кашф этиш имконини тақдим этади.

**Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» махсус мухбири.**

«Kristal kredit» МЧЖ томонидан заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда.



# «ZAR AUKSION» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2019 йил 8 январь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2018 йил 16 ноябрь ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Kristal kredit» МЧЖ** томонидан қўйилмоқда:

1. 1-2И-2885 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 396 764,35 сўм.
2. 1-2И-2886 ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 591 796,50 сўм.
3. 1-2И-2887 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 853 688,50 сўм.
4. 1-2И-2888 ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 7 039 736,35 сўм.
5. 1-2И-2889 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 534 932,50 сўм.
6. 1-2И-2890 ижро хатига асосан 6 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 564 932,50 сўм.
7. 1-2И-2891 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 353 536,63 сўм.
8. 1-2И-2892 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 537 356,50 сўм.
9. 1-2И-2893 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 934 792,50 сўм.
10. 1-2И-2894 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 212 036,38 сўм.
11. 1-2И-2895 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 762 343,96 сўм.
12. 1-2И-2896 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 762 082,50 сўм.
13. 1-2И-2897 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 380 908,50 сўм.
14. 1-2И-2898 ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 774 062,25 сўм.
15. 1-2И-2899 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 427 976,62 сўм.
16. 1-2И-2900 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 170 020,50 сўм.
17. 1-2И-2901 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 767 536,35 сўм.
18. 1-2И-2902 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 363 334,65 сўм.
19. 1-2И-2903 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 537 356,50 сўм.
20. 1-2И-2904 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 800 966,50 сўм.
21. 1-2И-2905 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 4 017 008,50 сўм.
22. 1-2И-2906 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 503 926,35 сўм.
23. 1-2И-2907 ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 4 649 672,50 сўм.
24. 1-2И-2908 ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 852 519,04 сўм.
25. 1-2И-2909 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 5 862 278,50 сўм.
26. 1-2И-2910 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 240 316,35 сўм.
27. 1-2И-2911 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 449 486,35 сўм.
28. 1-2И-2912 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 767 536,35 сўм.
29. 1-2И-2913 ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 7 514 234,35 сўм.
30. 1-2И-2914 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 959 132,50 сўм.
31. 1-2И-2915 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 398 482,35 сўм.
32. 1-2И-2916 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 818 540,35 сўм.
33. 1-2И-2917 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 379 190,50 сўм.
34. 1-2И-2918 ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 400 200,35 сўм.
35. 1-2И-2919 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 7 566 956,35 сўм.
36. 1-2И-2920 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 590 078,50 сўм.
37. 1-2И-2921 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 326 468,50 сўм.
38. 1-2И-2922 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 119 016,50 сўм.
39. 1-2И-2923 ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 997 716,65 сўм.
40. 1-2И-2924 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 517 439,45 сўм.
41. 1-2И-2925 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 590 078,50 сўм.
42. 1-2И-2926 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 379 190,50 сўм.
43. 1-2И-2927 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 328 186,50 сўм.
44. 1-2И-2928 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 363 334,65 сўм.
45. 1-2И-2929 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 909 846,50 сўм.
46. 1-2И-2930 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 294 756,35 сўм.
47. 1-2И-2931 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 503 926,35 сўм.
48. 1-2И-2932 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 467 060,65 сўм.
49. 1-2И-2933 ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 700 676,50 сўм.
50. 1-2И-2934 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 240 316,35 сўм.
51. 1-2И-2935 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 625 226,65 сўм.
52. 1-2И-2936 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 031 146,35 сўм.
53. 1-2И-2937 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 767 536,35 сўм.
54. 1-2И-2938 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 079 686,23 сўм.
55. 1-2И-2939 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 537 356,50 сўм.
56. 1-2И-2940 ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 5 458 076,35 сўм.
57. 1-2И-2941 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 011 854,50 сўм.
58. 1-2И-2942 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 554 930,35 сўм.
59. 1-2И-2943 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 558 366,35 сўм.
60. 1-2И-2944 ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 416 056,65 сўм.
61. 1-2И-2945 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 9 394 652,50 сўм.
62. 1-2И-2946 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 997 716,65 сўм.
63. 1-2И-2947 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 5 633 816,65 сўм.
64. 1-2И-2948 ижро хатига асосан 7 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 6 688 256,65 сўм.
65. 1-2И-2949 ижро хатига асосан 12 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 12 311 936,35.
66. 1-2И-2950 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 361 616,65 сўм.
67. 1-2И-2951 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 537 356,50 сўм.
68. 1-2И-2952 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 379 190,50 сўм.
69. 1-2И-2953 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 294 756,35 сўм.
70. 1-2И-2954 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 818 540,35 сўм.
71. 1-2И-2955 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 713 096,35 сўм.
72. 1-2И-2956 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 431 912,50 сўм.
73. 1-2И-2957 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 800 966,50 сўм.
74. 1-2И-2958 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 416 056,65 сўм.
75. 1-2И-2959 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 607 652,35 сўм.
76. 1-2И-2960 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 361 616,65 сўм.
77. 1-2И-2961 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 888 836,65 сўм.
78. 1-2И-2962 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 363 334,65 сўм.
79. 1-2И-2963 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 134 872,35 сўм.
80. 1-2И-2964 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 888 836,65 сўм.
81. 1-2И-2965 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 502 208,35 сўм.
82. 1-2И-2966 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 678 656,41 сўм.
83. 1-2И-2967 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 449 486,35 сўм.
84. 1-2И-2968 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 713 096,35 сўм.
85. 1-2И-2969 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 361 616,65 сўм.
86. 1-2И-2970 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 888 836,65 сўм.
87. 1-2И-2971 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 765 818,35 сўм.
88. 1-2И-2972 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 607 652,35 сўм.
89. 1-2И-2973 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 238 598,35 сўм.
90. 1-2И-2974 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 853 688,50 сўм.
91. 1-2И-2975 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 853 688,50 сўм.
92. 1-2И-2976 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 923 984,35 сўм.
93. 1-2И-2977 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 360 000,64 сўм.
94. 1-2И-2978 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 765 818,35 сўм.
95. 1-2И-2979 ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 470 496,65 сўм.
96. 1-2И-2980 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 713 096,35 сўм.
97. 1-2И-2981 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 361 616,65 сўм.
98. 1-2И-2982 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 449 486,35 сўм.
99. 1-2И-2983 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 282 536,57 сўм.
100. 1-2И-2984 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 800 966,50 сўм.
101. 1-2И-2985 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 152 446,65 сўм.
102. 1-2И-2986 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 660 374,35 сўм.
103. 1-2И-2987 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 836 114,65 сўм.
104. 1-2И-2988 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 294 756,35 сўм.
105. 1-2И-2989 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 025 671,30 сўм.
106. 1-2И-2990 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 967 818,36 сўм.
107. 1-2И-2991 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 431 912,50 сўм.
108. 1-2И-2992 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 152 446,65 сўм.
109. 1-2И-2993 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 765 818,35 сўм.
110. 1-2И-2994 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 275 464,50 сўм.
111. 1-2И-2995 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 888 836,65 сўм.
112. 1-2И-2996 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 486 352,50 сўм.
113. 1-2И-2997 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 082 150,35 сўм.
114. 1-2И-2998 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 923 984,35 сўм.
115. 1-2И-2999 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 765 818,35 сўм.
116. 1-2И-3000 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 622 096,44 сўм.
117. 1-2И-3001 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 607 652,35 сўм.
118. 1-2И-3002 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 713 096,35 сўм.
119. 1-2И-3003 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 064 576,50 сўм.
120. 1-2И-3004 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 035 488,50 сўм.
121. 1-2И-3005 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 767 536,35 сўм.
122. 1-2И-3006 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 607 652,35 сўм.
123. 1-2И-3007 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 537 356,50 сўм.
124. 1-2И-3008 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 439 566,26 сўм.
125. 1-2И-3009 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 416 056,65 сўм.
126. 1-2И-3010 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 888 836,65 сўм.
127. 1-2И-3011 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 767 536,35 сўм.
128. 1-2И-3012 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 503 420,50 сўм.
129. 1-2И-3013 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 7 654 826,50 сўм.
130. 1-2И-3014 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 976 706,35 сўм.
131. 1-2И-3015 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 537 356,50 сўм.
132. 1-2И-3016 ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 401 918,35 сўм.
133. 1-2И-3017 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 449 486,35 сўм.
134. 1-2И-3018 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 537 356,50 сўм.
135. 1-2И-3019 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 173 456,50 сўм.
136. 1-2И-3020 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 203 450,65 сўм.
137. 1-2И-3021 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 997 716,65 сўм.
138. 1-2И-3022 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 554 930,35 сўм.
139. 1-2И-3023 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 836 114,65 сўм.
140. 1-2И-3024 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 800 966,50 сўм.
141. 1-2И-3025 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 537 356,50 сўм.
142. 1-2И-3026 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 467 060,65 сўм.
143. 1-2И-3027 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 821 976,35 сўм.
144. 1-2И-3028 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 888 836,65 сўм.
145. 1-2И-3029 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 713 096,35 сўм.
146. 1-2И-3030 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 537 356,50 сўм.
147. 1-2И-3031 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 713 096,35 сўм.
148. 1-2И-3032 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 713 096,35 сўм.
149. 1-2И-3033 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 502 208,35 сўм.
150. 1-2И-3034 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 449 486,35 сўм.
151. 1-2И-3035 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 178 100,41 сўм.
152. 1-2И-3036 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 680 776,40 сўм.
153. 1-2И-3037 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 449 486,35 сўм.
154. 1-2И-3038 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 537 356,50 сўм.
155. 1-2И-3039 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 119 016,50 сўм.
156. 1-2И-3040 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 888 836,65 сўм.
157. 1-2И-3041 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 170 020,50 сўм.
158. 1-2И-3042 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 4 052 156,65 сўм.
159. 1-2И-3043 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 396 764,35 сўм.
160. 1-2И-3044 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 800 966,50 сўм.
161. 1-2И-3045 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 349 196,35 сўм.
162. 1-2И-3046 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 995 998,65 сўм.
163. 1-2И-3047 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 853 688,50 сўм.
164. 1-2И-3048 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 467 060,65 сўм.
165. 1-2И-3049 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 379 190,50 сўм.
166. 1-2И-3050 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 293 663,80 сўм.
167. 1-2И-3051 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
168. 1-2И-3052 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 364 545,40 сўм.
169. 1-2И-3053 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 378 721,96 сўм.
170. 1-2И-3054 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 350 369,14 сўм.
171. 1-2И-3055 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
172. 1-2И-3056 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 4 546 571,80 сўм.
173. 1-2И-1508 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 222 781,90 сўм.
174. 1-2И-3058 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 733 130,86 сўм.
175. 1-2И-3059 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 392 898,22 сўм.
176. 1-2И-3060 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 506 309,20 сўм.
177. 1-2И-3061 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 903 247,18 сўм.
178. 1-2И-3062 ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 512 830,56 сўм.
179. 1-2И-3063 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 7 523 607,40 сўм.
180. 1-2И-3064 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 151 900,00 сўм.
181. 1-2И-3065 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 761 483,68 сўм.
182. 1-2И-3066 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 222 781,90 сўм.
183. 1-2И-3067 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 364 545,40 сўм.
184. 1-2И-3068 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 505 175,96 сўм.
185. 1-2И-3069 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 804 012,76 сўм.
186. 1-2И-3070 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 690 601,78 сўм.
187. 1-2И-3071 ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 136 590,50 сўм.
188. 1-2И-3072 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 002 481,60 сўм.
189. 1-2И-3073 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 407 074,48 сўм.
190. 1-2И-3074 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 243 479,82 сўм.
191. 1-2И-3075 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
192. 1-2И-3076 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 293 663,80 сўм.
193. 1-2И-3077 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 392 898,22 сўм.
194. 1-2И-3078 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 945 776,26 сўм.
195. 1-2И-3079 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 435 427,30 сўм.
196. 1-2И-3080 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 144 245,40 сўм.
197. 1-2И-3081 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 435 427,30 сўм.
198. 1-2И-3082 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 467 527,94 сўм.
199. 1-2И-3083 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 243 479,82 сўм.
200. 1-2И-3084 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 619 719,88 сўм.
201. 1-2И-3085 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 548 838,28 сўм.
202. 1-2И-3086 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 832 365,28 сўм.
203. 1-2И-3087 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 704 778,04 сўм.
204. 1-2И-3088 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 267 925,52 сўм.
205. 1-2И-3089 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 115 892,58 сўм.
206. 1-2И-3090 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 449 603,56 сўм.
207. 1-2И-3091 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 336 192,88 сўм.
208. 1-2И-3092 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 172 597,92 сўм.
209. 1-2И-3093 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 420 117,80 сўм.
210. 1-2И-3094 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 832 372,76 сўм.
211. 1-2И-3095 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 147 989,30 сўм.
212. 1-2И-3096 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 364 545,40 сўм.
213. 1-2И-3097 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 364 545,40 сўм.
214. 1-2И-3098 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 265 310,98 сўм.
215. 1-2И-3099 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 030 834,42 сўм.
216. 1-2И-3100 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
217. 1-2И-3101 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 541 183,38 сўм.
218. 1-2И-3102 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 577 190,80 сўм.
219. 1-2И-3103 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 804 012,76 сўм.
220. 1-2И-3104 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 130 068,84 сўм.
221. 1-2И-3105 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 662 248,96 сўм.
222. 1-2И-3106 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 563 014,54 сўм.
223. 1-2И-3107 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
224. 1-2И-3108 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 435 427,30 сўм.
225. 1-2И-3109 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 648 072,70 сўм.
226. 1-2И-3110 ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 994 827,00 сўм.
227. 1-2И-3111 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 350 369,14 сўм.
228. 1-2И-3112 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 497 184,07 сўм.
229. 1-2И-3113 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 407 074,48 сўм.
230. 1-2И-3114 ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 4 404 808,00 сўм.
231. 1-2И-3115 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 128 935,60 сўм.
232. 1-2И-3116 ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 427 772,40 сўм.
233. 1-2И-3117 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 136 590,50 сўм.
234. 1-2И-3118 ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 058 054,00 сўм.
235. 1-2И-3119 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 144 245,40 сўм.
236. 1-2И-3120 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 421 251,04 сўм.
237. 1-2И-3121 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 293 663,80 сўм.
238. 1-2И-3122 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 690 601,78 сўм.
239. 1-2И-3123 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 172 597,92 сўм.
240. 1-2И-3124 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 427 772,40 сўм.
241. 1-2И-3125 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 845 408,60 сўм.
242. 1-2И-3126 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 399 419,88 сўм.
243. 1-2И-3127 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 945 776,26 сўм.
244. 1-2И-3128 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 421 739,78 сўм.
245. 1-2И-3129 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 358 690,44 сўм.
246. 1-2И-3130 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 789 836,20 сўм.
247. 1-2И-3131 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 860 718,10 сўм.
248. 1-2И-3132 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 662 248,96 сўм.

*(Давоми 5-бетда)*



Мулклар 2019 йил 7 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 14, 21 январь кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18.00 тўхтатилади.

# «ZAR AUKSION» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

*(Давоми. Боши 4-бетда)*

249. 1-2И-3133 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 222 781,90 сўм.

250. 1-2И-3134 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 278 354,00 сўм.

251. 1-2И-3135 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.

252. 1-2И-3136 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 569 536,20 сўм.

253. 1-2И-3137 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 280 816,40 сўм.

254. 1-2И-3138 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 733 130,86 сўм.

255. 1-2И-3139 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 577 190,80 сўм.

256. 1-2И-3140 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 994 827,00 сўм.

257. 1-2И-3141 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 286 008,90 сўм.

258. 1-2И-3142 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 492 132,64 сўм.

259. 1-2И-3143 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 860 718,10 сўм.

260. 1-2И-3144 ижро хатига асосан 5 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 987 172,10 сўм.

261. 1-2И-3145 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 548 838,28 сўм.

262. 1-2И-3146 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 761 483,68 сўм.

263. 1-2И-3147 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 364 545,40 сўм.

264. 1-2И-3148 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 648 072,70 сўм.

265. 1-2И-3149 ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 5 559 076,40 сўм.

266. 1-2И-3150 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 972 194,97 сўм.

267. 1-2И-3151 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 979 517,20 сўм.

268. 1-2И-3152 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 101 716,32 сўм.

269. 1-2И-3153 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 870 442,28 сўм.

270. 1-2И-3154 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 682 946,88 сўм.

271. 1-2И-3155 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 957 516,60 сўм.

272. 1-2И-3156 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 677 948,50 сўм.

273. 1-2И-3157 ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 100 836,50 сўм.

274. 1-2И-3158 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 570 686,50 сўм.

275. 1-2И-3159 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 845 065,63 сўм.

276. 1-2И-3160 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 511 065,80 сўм.

277. 1-2И-3161 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 343 436,50 сўм.

278. 1-2И-3162 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 222 136,50 сўм.

279. 1-2И-3163 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 921 560,58 сўм.

280. 1-2И-3164 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 004 668,44 сўм.

281. 1-2И-3165 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 532 060,77 сўм.

282. 1-2И-3166 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 623 023,79 сўм.

283. 1-2И-3167 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 611 237,60 сўм.

284. 1-2И-3168 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 070 636,50 сўм.

285. 1-2И-3169 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 302 957,60 сўм.

286. 1-2И-3170 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 616 136,50 сўм.

287. 1-2И-3171 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 673 302,60 сўм.

288. 1-2И-3172 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 070 636,50 сўм.

289. 1-2И-3173 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 616 136,50 сўм.

290. 1-2И-3174 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 313 136,50 сўм.

291. 1-2И-3175 ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 7 585 136,50 сўм.

292. 1-2И-3176 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 892 163,94 сўм.

293. 1-2И-3177 ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 824 788,34 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Kristal kredit» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин**: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 11-мавзе, 2-уй, 64-хонадон.

**Тел.**: 71-224-55-22.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 8 январь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари соат 12.00 да ўтказилади.

Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача юқоридаги манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «ZAR AUKSION» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари керак:** 2020 8000 9007 9396 0001 АКБ «Турон банк» Юнусобод филиали МФО 01144 СТИР 305 014 967.

**Шунингдек, қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак**:

**аукцион савдосида қатнашиш учун**

- **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

**Мурожаат учун тел.:** 71-224-86-67.

**Электрон почта:** zarauction@yandex.ru

*536412-сонли гувоҳнома.*

# «NAVOIY REALTOR SERVIS» МЧЖ

## нархи ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф қилади!

**Аукцион савдосига Навоий вилояти Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг 2018 йил 29 ноябрдаги 313-а-ф-сонли буйруғи ва Томди тумани ҳокимининг 2018 йил 5 ноябрдаги К-1544-сонли қарорига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер участкаларини чиқармоқда**:

Томди тумани, «Роҳат» МФЙ ҳудудидан 357-396-сонли, жами 40 дона, ҳар бири 400 квадрат метрдан иборат (якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 квадрат метр) ер майдонлари. **Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси** – 498 000,00 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 31 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 32-уй, 20-хонадон манзилида жойлашган савдо ташкилоти залида ўтказилади.

Буюртмаларни қабул қилиш мазкур эълон чоп қилинган санадан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар 2018 йил 28 декабрь куни соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

2018 йил 31 декабрь кундаги аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2019 йил 14, 29 январь, 13, 28 февраль кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш 2019 йил 11, 28 январь ва 12, 27 февраль кунлари соат 17.00 да тўхтатилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳоси 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ва консалтинг хизмати учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари микдоридаги пул маблағини «NAVOIY REALTOR SERVIS» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт**: 2020 8000 7049 2620 1001, АТ Халқ банки Навоий шаҳар филиали МФО 00708 СТИР 302 058 922.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш шартномасини имзолаш шартлари юклатилади. Тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 100 фоизидан кам бўлган тақдирда, етишмаётган миқдорини шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Савдо ғолиби савдо кунидан бошлаб 20 кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш шартномасини имзоламаса, такрорий аукцион ҳафтанинг ҳар душанба куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**Закалат тўғрисидаги келишув имзолангандан сўнг талабгорлар савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга тақдим этишади:**

- **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари** – паспорт нусхаси;
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- **хорижий юридик шахслар** – устави белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
- **хорижий фуқаролар** – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти нусхаси;
- **Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар** – яшаш гувоҳномаси нусхаси;
- закалат пулининг тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Буюртманома ва аризалар қабул қилинадиган манзил**: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 32-уй, 20-хонадон.

**Тел./факс**: 79-225-27-79.

**E-mail:** nurs.uzb@mail.ru

**Веб-сайт:** www.nurs.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0022 сонли лицензия.*

# «MOL MULK SAVDO MARKAZI» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, «З. М. Бобур» муқобил машина-трактор паркининг 2018 йил 21 августдаги 2-сонли йиғилиш қарорига асосан жамият балансида бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 283 ККА, илгари ишлатилган, носоз, таъмирталаб бўлган ГАЗ-53 русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 1 100 000 сўм.

Савдо 2018 йил 29 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Буюртмалар расмий иш кунлари (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 09.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати** – савдо бошланишидан бир соат олдин.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан транспорт воситаларига бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳоси 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Mol Mulk Savdo Markazi» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 5008 8458 8001 ТИФ Миллий банк Денов бўлими МФО 00845 СТИР 305 565 084.

**Закалат тўғрисидаги келишув имзолангандан сўнг талабгорлар савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга тақдим этадилар:**

- **Ўзбекистон Республикаси фуқароси** – паспорт нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашганда, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- **хорижий юридик шахслар** – устави белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
- **хорижий фуқаролар** – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт;
- **Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар** – яшаш гувоҳномаси нусхаси;
- закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил:** Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 55-уй.

**Телефон/факс:** 76-413-16-56.

# «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ

## объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдосига «Агрокимёҳимоя» ҲАЖга қарашли қуйидаги кўчмас мулклар 10 (ўн) фоиз арзонлаштирилган нархда қўйилади:**

1. Китоб тумани, «Бектемир» МФЙ, Алакўйлак қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 800,0 квадрат метр бўлган омборхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 100 716 179 сўм.

2. Китоб тумани, «Жилисув» МФЙ, Жилисув қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 111,72 квадрат метр бўлган дала шийпони биноси. **Бошланғич баҳоси** – 49 814 224 сўм.

3. Шаҳрисабз тумани, «Тўдамайдон» МФЙ, Водариғ қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 5 664,0 квадрат метр бўлган омборхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 273 532 350 сўм.

**Шунингдек, аукцион савдосига «Агрокимёҳимоя» ҲАЖга қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади**:

1. Яккабоғ тумани, «Қўшчинор» МФЙ, Қўшчинор қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 710,0 квадрат метр бўлган меҳмонхона ва ошхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 94 408 544 сўм.

2. Яккабоғ тумани, «Мевазор» МФЙ, Мевазор қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 161,89 квадрат метр бўлган Яккабоғ минерал ўғит сақлаш ва тарқатиш шохобчаси биноси. **Бошланғич баҳоси** – 118 859 765 сўм.

3. Чироқчи тумани, «Додиқ» МФЙ, Додиқ қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 275,35 квадрат метр бўлган биолаборатория биноси. **Бошланғич баҳоси** – 69 247 710 сўм.

4. Чироқчи тумани, «Хумо» МФЙ, Районобод қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони **883,97 квадрат метр бўлган** биолаборатория биноси. **Бошланғич баҳоси** – 62 223 720 сўм.

5. Ғузор тумани, «Ғармистон» МФЙ, Тенгдош қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 611,0 квадрат метр бўлган типовой шийпон биноси. **Бошланғич баҳоси** – 48 644 324 сўм.

6. Яккабоғ тумани, «Мевазор» МФЙ, Мевазор қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 4 115,73 квадрат метр бўлган маъмурий бино, қоровулхона биноси ва омборхона бинолари. **Бошланғич баҳоси** – 88 214 408 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 29 декабрь куни соат 17.00 дан бошлаб «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносида ўтказилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб, ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, 4-митти туман, **мўлжал**: «Парвина» кафесининг ёни)да қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2018 йил 28 декабрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловларни сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар кўрсатилган объектни сотиб олиш учун буюртманомалар, «Закалат пули тўғрисида»ги келишувга асосан савдога қўйилган объект бошланғич баҳосининг 15 ( ўн беш ) фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар корхона (ташкилот) устави ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим этишлари шарт.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар**: «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиали, СТИР 302 126 648 МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5049 4256 0001.

**Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман.

**Мўлжал:** «Парвина» кафеси.

**Телефон:** (998 95) 505-08-99.

**E-mail:** ikoskarshi@yandex.com

**Расмий сайт**: www.ikos.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0111 сонли лицензия.*

## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

# «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

## такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖ дирекциясининг 2018 йил 28 ноябрдаги 1535-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мулклар чиқарилган**:

1. Навоий вилояти, Нурота туманида жойлашган «Нурота деҳқон бозори»нинг бир қаватли мажмуаси. **Умумий майдони** – 4 200,0 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 876,0 квадрат метр, 2 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 1 694 753 000 сўм.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Қонликўл туманида жойлашган «Қонликўл деҳқон бозори»нинг бир қаватли мажмуаси. **Умумий майдони** – 17 000,0 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 2 619,6 квадрат метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 4 152 364 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 20 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамиш-1» кўчаси, 1-«А» уй манзилида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18.00 тўхтатилади.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 20 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йил 26 декабрь ва 2019 йил 4, 10 январь кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18.00 тўхтатилади.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади**:

- **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- **жисмоний шахслар учун** – паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда, расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2260 4000 2049 2060 9001 ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 2 0712 2519.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамиш-1» кўчаси, 1-«А» уй.

**Тел.**: 71-228-80-27, 71-228-80-26.

**Электрон почта:** kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

**Веб-сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001 сонли лицензия.*

## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

# «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

## такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖ дирекциясининг 2018 йил 27 ноябрдаги 1526-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мулклар чиқарилган:**

Сурхондарё вилояти, Термиз туманида жойлашган «Термиз марказий деҳқон бозори»нинг икки қаватли мажмуаси. **Умумий майдони** – 21 500,0 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 2 793,9 квадрат метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 7 264 595 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 7 январь куни соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамиш-1» кўчаси, 1-«А» уй манзилида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18.00 тўхтатилади.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 7 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 14, 21 январь кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18.00 тўхтатилади.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади**:

- **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- **жисмоний шахслар учун** – паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда, расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2260 4000 2049 2060 9001 ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 207 122 519.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамиш-1» кўчаси, 1-«А» уй.

**Тел.**: 71-228-80-27, 71-228-80-26.

**Электрон почта:** kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

**Веб-сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001 сонли лицензия.*

«Qarshi yog'-ekstraksiya» aksiyadorlik jamiyatiga тегишли бўлган Қарши шаҳри, Ғ. Ғулом маҳалласи, Миртемир кўчасида жойлашган «Қишки клуб» биносининг кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли **ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорида Чингиз Айтматов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига адиб номи берилди.



Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги олдидан

# «Имандуу адам болгун»

1983 йилнинг кузи эди. Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетида ўқиб юрган пайтларимиз. Деканат томонидан талабаларни Алишер Навоий номидаги театр биносида бўлаётган қандайдир йиғилишга юборишди.

Борсак, театр биноси шоир ва ёзувчилар билан тўла. Бу ерда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ёзувчиларининг конференцияси бўлаётган экан. Бу биз учун чинакам «сюрприз» эди. Йиғилишни қайсидир давлатдан келган ижодкор олиб бормоқда. Адашмасам, у Алекс Ла Гума эди. Қолганлар эса қулоқларига «наушник» тақиб олишган. Залда сочи қордек оппоқ Расул Ҳамзатов, мўйлабига оқ оралаган Қайсин Қулиев, Мухтор Шохонов, ўзимизнинг ёзувчилардан Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Мирмуҳсин ва ҳоказолар жамул-жам эди. Хуллас, дунёнинг машҳур инсонлари орасига тушиб қолганимиздан еттинчи осмонда эдик.

– Анави қаторда ўтирган Чингиз Айтматовми? – деб қолди кимдир.

Барчанинг нигоҳи курсдошимизнинг кўрсаткич бармоғи йўналган тарафга қадалди.

– Қани? – қизлардан бири сабрсизлик билан қичқириб юборди. – Қайси тарафда?

Залнинг орқа ўриндиқларидан жой олган Чингиз Айтматов ёнидаги ҳаммаслакларидан бирига нималарнидир ёзиб тушунтириш билан банд эди. Талаба аҳли ўта қизиқувчан, айниқса, журналистика факультетида таҳсил олаётганлар бундай ҳаяжонли лаҳзаларда ўзларини қандай тутиш кераклигини унутиб қўйишади. Ҳамма танаффусни интиқлик билан кута бошлади. Йиғилиш раисининг инглиз тилидаги «танаффус», деган лутфини эшитибоқ, ўзимизни Чингиз Айтматов томон урдик. Кимдир янги сотиб олган китобига, бошқа бири ён дафтарчасига Чингиз оғадан дастхат ёздириб ола бошлади. Хуллас, талаба-ёшлар қуршовидан чиқиб олиш Чингиз оға учун осон кечмади. Мени эса даъфатан буюк ёзувчининг Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан 1978 йилда нашр этилган икки жилдлик китобини қишлоқда, уйда қолдириб келганим ёдимга тушди. Ўзимдан-ўзим хафа бўлиб, дунё кўзимга тор кўриниб кетди. Чунки, Чингиз Айтматовнинг ўша китобларини бошидан охиригача ўқиб, беихтиёр ундаги «Бўтакўз», «Юзма-юз», «Оқ кема», «Алвидо, Гулсари» каби асар қаҳрамонлари, айниқса, «Жамила», «Саврқомат дилбарим» қиссаларининг бош қаҳрамонлари Жамилахон-у Асалхонларга ғойибона ошиқ-у бекарорлик мени ҳали-ҳануз ҳижрон азобининг оташида куйдираётган эди. Анжуман кечга яқин тугади. Автобусга чиқиб, ётоқхонага қайтаётганимда, Чингиз Айтматовдек буюк ёзувчидан тузук-қуруқ дастхат олмаганим хаёлимга маҳкам ўрнашиб, бутун вужудимни қамраб олганди. Ётоқхонада курсдош дўстим Шавкатнинг китоблари менинг жонимга оро кирди. Икки жилдлик «Танланган асарлар»нинг биринчи китобидаги асар қаҳрамонларини бағримга босганча тонгни уйқусиз қарши олдим. Кузнинг эрталабки танга роҳат бахш этаётган салқин ҳавосида кечаги жойга қушдек еламан.

– Чингиз оға бугун бу ерга келмаса керак, – дейди Ўктам Усмонов (у кишини Оллоҳ раҳматига олган бўлсин). – «Ёш гвардия» театридан (ҳозирги Ўзбек Давлат театри) топасиз. Чингиз оғанинг «Оқ кема» асари саҳналаштирилган. Ўша ерда бўлишлари мумкин.

«Унинг икки эртаги бўларди? – «Оқ кема» қиссасидаги машҳур жумлалар ёдимга келади. – Бири ўзиники бўлиб, уни ҳеч ким билмасди. Иккинчисини эса, бобоси сўзлаб берганди. Кейин биронтаси қолмади».

Наҳотки, бедор ўтган тунлар бекор кетади. Чингиз оғани истаб театрга бориш-ку қочиб кетмайди. Бироқ, у ерда ҳам Чингиз Айтматов билан кўришиш насиб этмаса-чи?!

«Сен сузиб кетдинг. Қулибекнинг келишини кутиб турмадинг, – ўз-ўзидан фикри хаёлимдан ўтади. – Афсус, минг афсуски, Қулибекнинг келишини кутиб турмадинг. Нега сен йўлдан чопиб бора қолмадинг? Агар йўлдан узоқ муддат чопиб борганингдами, албатта уни учратардинг. Қулибекнинг машинасини узоқдан таниган бўлардинг. Қўлингни кўтарганингда у шу заҳотиёқ машинасини тўхтатган бўларди.

– Сен қаёққа кетяпсан? – деб сўрарди.

– Мен сизни излаб кетаётган эдим! – деб жавоб берган бўлардинг.».

Юз тузилишига қараганда қирғиз ёки қозоқ оқинларидан бири бўлса керак. Уни менга раҳми келди чоғи, ўзига яқин олиб, қўйидаги маслаҳатини берди.

– Сен соат еттида «Панорама» кинотеатрига боргин, – деди у. – Чингиз оға ўша ерга келади.

«Панорама» кинотеатри Тошкент шаҳрининг Алишер Навоий кўчасида жойлашган бўлиб, у ерга Алишер Навоий номли опера ва балет катта театридан пиёда юриб борса ҳам бўларди. Бамисоли тасаввуримда Тошкентнинг осмонўпар бинолари – юксак Тян-Шань тоғининг қояларидек намоён бўлади. Кенг ва равон йўллари эса ўша тоғ даралардан узоқ-узоқларга элтувчи «Самон йўли»га айқаш-уйқаш бўлиб кетади.

«Ҳозир қаердасиз, қайси йўлдан кетяпсиз? Ҳозир даламизда янги йўллар кўп , – қалб туйғуларини жумбушга келтириб юборади, «Жамила» қиссасидаги оташқалб жумлалар. – Қозоғистондан тортиб, Олтой ва Сибирга қадар чўзилиб кетган! Ҳозир у ерларда чўлни бўстонга айлантириш, янги ерда янги турмуш қуриш учун кўплаб азаматлар мардона меҳнат қилмоқдалар! Балки сизлар ҳам ўша ёққа кетгандирсизлар? Ундай бўлса оқ йўл! Сафарларинг бехатар бўлсин! Жамила, менинг Жамилам, сен бошингни баланд кўтариб, кенг даладан мағрур қадам ташлаб кетдинг...».

Ширин хаёллар денгизидаги «Оқ кема»да сузиб, белгиланган «бандаргоҳ»га мушоира бошланишидан ярим соат аввал етиб олибман. санъат саройи атрофида мен таниган ва танимаган, ҳатто исмини билмайдиган ёзувчи, шоирлар... Улар бир-бирлари билан суҳбатлашиб туришибди, бироқ Чингиз оға йўқ...

– Чингиз Айтматов ёзувчи-ку, – саволимга жавоб беради Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла (у кишини ҳам охиратлари обод бўлсин). – Бу ерга шоирлар келади.

Беихтиёр томоғимга аччиқ, қалампир таъмидан-да заҳар нарса туриб қолгандек бўлади. Кўз ўнгимда эса курсдошим Шавкатнинг қиёфаси пайдо бўлади. «Маъмур қаёқда йўқ фойдасиз нарсаларни ўйлаб, бошимни қотирасан, – ниҳоят кўп тортишувлар охир-оқибат ўз мевасини беради. – Билиб қўй, ундан кўра Ҳамроеванинг лекциясига қатнашсанг ёмон бўлмасди, – иложсиз қолган курсдошим Чингиз Айтматовнинг китобини қўлимга тутқазар экан, ўз навбатида мени «чақиб олишни» ҳам унутмайди. – Ҳар қалай имтиҳони бор-а!».

Вақт, соат энди кечки саккизга қараб кела бошлади. Наҳотки, куним кўкка соврилиб, бесамар кетади. Ундан кўра бир каттанинг, бир кичикнинг гапини қулоққа илиб, Шавкатнинг маслаҳатига амал қилганимда «зачёткам»га «тўрт» ўрнига «беш» баҳо қўйилган, бундан менга ҳам моддий, ҳам маънавий манфаат тегиши тайин эди. Бўлари бўлди, бундан баттари бўлмайди.

Аввалига кўзларимга ишонмадим. Астойдил қарасам, ниҳоят оқ «Волга» Алишер Навоий кўчасидан бурилиб, санъат саройи хиёбони томон оҳиста юра бошлади. Автомобиль яқинлашган сари юрагим бир нарсани сезгандек ўзидан-ўзи «дук-дук» ура бошлади. Беихтиёр ўриндиқдан сапчиб туриб, машина тарафга бир-икки қадам ташладим.

– Мумкин эмас! – йўлимга кўндаланг бўлади милиция ходими. – Қаёққа кетяпсан? Орқангга қайт!

Машинанинг орқа эшиги очилиб, ундан Чингиз Айтматов тушди. Унинг эътиборини қўлимдаги китоб тортди. Чингиз оға дарров қўли билан мени имлаб, ўзига чорлади.

Ҳаяжон уммони мени ўз қаърига тортган. Мен бандаи ожиз кучли тўлқинлар гирдобига ғарқ бўлганча ундан ўзимни халос эта олмасдим. Базўр тилимга келгани эса «Ас-ссаламу алай-кум» каломи бўлди, холос.

– Ваалайкум ассалом, – деди буюк ёзувчи хотиржамгина.

У мен билан сўрашгач, қўлимдаги китобни олди. Қайтиб машинанинг орқа ўриндиғига ўтирди. Сўнгра пича сурилиб, ёнидан жой берди. Исмимни сўроқлагач, китобни бир-бир варақлаб, унинг сифатини кўздан ўтказди. Ўз навбатида мендан гап ола бошлади.

– Яхши Момир, фамилиянг ким эле? – деди буюк адиб.

Мен айтдим:

– Мусулмонов! Ў-ў, ажойиб фамилиянг бор экан, – юзида ёқимли табассум пайдо бўлади суҳбатдошимнинг. – Ўқийсанми?

Мен қаерда ўқишимни айтдим.

– Университетда, – такрорлайди Чингиз оға. – Ў-ў, журналист!

Китобнинг ўнг-тесига қараб олади.

– Қаерге жазайин? – мендан фикр олади буюк ҳамкасб.

– Суратингиз остига!

Чингиз оға «Мусулмонов Момирга», деб ўз имзосини чекди.

– Оға, – даб-дурустдан менинг ҳам илҳомим жўшиб кетади. – Менга бир сўз ёзиб беринг!

– Қандай сўз?

– Бир умрга етадиган, бир умрга ибрат бўладиган.

Бир дақиқалик сукунат ва фикрлаш менга сарфланаётганидан ўзимда йўқ бахтиёр эдим. Ёзувчи чамаси бир фикрга келди чоғи, қаламини тебрата бошлади. Сўнгра китобни ёпиб, менга узатди.

– Чингиз оға, – дедим бироз сурлигим тутиб, – ручкангизни менга совға қилинг!

– Менэм неде жазем? – деди соддаларча Чингиз оға.

– Мен ўзимникини сизга бераман.

Ручкасини меникига алмаштириб олган буюк қаламкаш ўзида йўқ қувониб кетди.

– Мен фойда қилдим, – деди у жилмайганча, – сеники янги экан.

Чингиз оғанинг оддий, ўша пайтдаги 35 тийинлик ручкаси кўзимга чақмоқдек кўринган ва мен унга эга бўлганимдан хурсанд эдим.

– Момир, – деди хайрлашиш олдидан у, – биз эртан ўтиб, индин қайтамиз. Вақтингни топиб, «Ўзбекистон» гостиницасига ўтгин.

– Майли, – дедим қувончимни ичимга сиғдира олмай. – Раҳмат сизга, Чингиз оға!

– Хайр, эсан бўл, – деди у ва яна қўшиб қўйди, – яхши ўқигин!

«Волга» қайрилиб, келган изидан кетди. Ҳис-ҳаяжонимни ичимга ютиб, китобни очдим. «Мусулмонов Момирга – имандуу адам болгун». У-рра!

– Қирғизман демайсанми?

Товушдан бошимни кўтарсам, бояги милиционер менга илжайганча қараб турганини кўрдим.

28 сентябрь, 1983 йил.

### Хотима

*Мана, орадан роппа-роса 35 йилдан ортиқ вақт ўтди. Ўттиз беш йилдирки, бир нарса ҳануз хаёлимда ўралашади, кўз ўнгимдан нари кетмайди. У ҳам бўлса, Чингиз Айтматовнинг кинотеар хиёбонида даъфатан пайдо бўлиши ва менга дастхат ёзиб, ортига қайтиши.... Қизиқ ҳолат! Бир лаҳзалик учрашув ва бир умрга татигулик ҳикматли сўз!..*

*Вақтни ўткинчи, умрни эса бевафо, дейишади. Гарчанд севимли ёзувчи бугун орамизда йўқ. Аммо атоқли адиб ёзиб қолдирган буюк асарлар мангуликка дахлдор. Шу боис, буюк инсон Чингиз оға Айтматов ҳар доим, ҳар лаҳза биз билан бирга! Унинг асарлари, ҳар бир китоби шахсий кутубхонамнинг нодир жавоҳири бўлиб, мендан кейин фарзандларим, уларнинг ортидан набираларим, қолаверса асрлар оша авлодларимга эзгулик йўлида хизмат қилаверади.*

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**журналист.**







O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари – **Абдумуталлиб Ўктамов**
Саҳифаловчи – **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ – **Дилфуза Хабибова**

Таҳририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
E-mail: uzbunyodkor@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: 90-720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 93-466-74-84.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1107.
2439 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ўктамов.
**Навбатчи** – Т. Турсунов.

ЎзА якуни – 00.50. Топширилди – 01.50.